

**САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШДА
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МАБЛАГЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11125874>

Арзибоева Р.С

ассистент

Иқтисодиёт ва қурилиши институти

Банк иши ва аудит йўналиши

4 курс талабаси

Саидахматов Мухаммадали Хаётбек уғли

Калит сузлар

маҳаллийлаштириши, саноат, тайёр маҳсулот, хом ашё, банк кредити.

Мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳиятидан имкон қадар тўлароқ фойдаланиш, унинг рақобатдошлигини ошириш, сифат жиҳатидан такомиллаштиришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари муҳим ўрин тутади.

Маҳаллийлаштириш дастури - маҳаллийлаштириш даражаси ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг мақсадли параметрларини ўз ичига оловчи саноат кооперацияси асосидаги маҳаллийлаштирилган тайёр маҳсулотлар турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Президенти қарори билан тасдиқланадиган маҳсулотлар турлари ҳамда тавсия этиладиган мамлакатдаги ўзлаштирувчи ишлаб чиқарувчилар рўйхатидан иборат дастурдир.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш - саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланиувчи деталлар, бутловчи қисмлар, яrim тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёнидир. Айни пайтда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини беради.

1826 йилда немис олим Иоганн Генрих Тюнен томонидан “Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш назарияси”га асос солинган. Тюнен ўзининг “Миллий иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигига давлат муносабатини шакллантириш”асарида маҳаллийлаштириш сўзини илк бор қўллаган.

Кейинчалик маҳаллийлаштиришнинг Л.Вальрас назарияси юзага келди ва ҳозирда асосан шу назарияга асосланган ҳолда маҳаллийлаштириш муносабатлари тадқиқ этилади.

Вальрас назарияси борлиқда иқтисодий мувозанат моделини ўзида акс эттирган. Унинг асоси сифатида эса экспорт-импорт операциялари олинган. Яъни ҳар бир худуд, минтақа, вилоят, мамлакат ўзининг ихтисослигидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олмаган ҳолда кўпайтиришда давом этса иқтисодий мувозантни бузилишига олиб келади.

Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши қўйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юкори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равища, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юкори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Ўзбекистонда 2000 йилдан бошлаб маҳаллий хом ашё негизида буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури

ишлаб чиқилиб, изчил амалга ошириб келинмоқда. Дастурнинг асосий мақсадлари ва вазифалари ишлаб чиқаришни технология жиҳатидан янгилаш ва замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш мақсадидаги маҳсулотлар импортини қисқартириш, маҳаллий хомашёдан жаҳон стандартларига жавоб берувчи, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, шунингдек давлатнинг валюта сарф-харажатларини мақбуллаштириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш асосида саноатда таркибий қайта ўзгартиришлар ҳисобига иктиносидиётнинг мутаносиб ривожланишини таъминлашга йўналтирилган.

Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда корхоналар ва хўжалик бирлашмаларининг ўз маблағлари, хорижий инвестицияларни, шунингдек тижорат банкларининг кредитларини кенг жалб этиш орқали маблағ билан таъминлаб келинмоқда.

Мамлакатдаги корхоналарни саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларига қизиқтириш, мазкур дастур асосида фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар:

- четдан олиб келинадиган технология ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек республикамиизда ишлаб чиқарилмайдиган, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технология жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йигимлар бундан мустасно);

- маҳаллийлаштириш лойихалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан олинган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови (соддалаштирилган солиқ тизими кўлланиладиган субъектлар учун) тўлашдан;

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фонdlари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

Ушбу имтиёзлар туфайли озод этиладиган маблағларни янги корхоналарни барпо этишга, кенгайтиришга, реконструкция ва модернизация қилишга, техник ва технологик қайта куроллантиришга, сифат бошқаруви тизимларини жорий этишга, муҳандис-техник ходимларни рағбатлантиришга, илмий-тадқиқот ва тажриба-

конструкторлик ишланмаларини молиялаштиришга ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтиришга йўналтириш зарур.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш истагида бўлган

корхоналар ўз лойихаларини Идоралараро Махсус комиссияга тақдим этиши

ҳамда танловдан ўтиши лозим. Бунда мазкур дастурга киритиш учун

ложиҳаларни танлаш тамойиллари сифатида қуидагилар белгиланган:

а) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил

етиш учун ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳаллий хомашё ресурсларининг

мавжудлиги;

б) маҳаллийлаштириш даражаси камида 35 фоизга этиши;

в) ТИФ ТН коди бўйича пировард маҳсулот товар позициясининг

бошлангич хомашёга нисбатан камида биринчи тўртта белгилардан бири

даражасида ўзгаришининг таъминланиши;

г) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотга ички ва ташқи бозорларда талабнинг мавжудлиги;

д) маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотга ўхшаш маҳсулотлар

импортиning мавжудлиги (янги турдаги маҳсулотлар бундан мустасно);

е) маҳсулотнинг потенциал истеъмолчилари билан шартномаларнинг ёки аҳдлашувларнинг мавжудлиги;

ж) маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг сотиш нархлари импорт маҳсулотлари нархларидан юқори бўлмаслиги (Ўзбекистон Республикасигача бўлган транспорт харажатлари, божхона ва солик тўловларини ҳисобга олинган холда).

Шу билан бирга, юқоридаги мажбурий мезонларга мос бўлган ва халқаро сифат бошқарув тизимини жорий этган ҳамда экспортбоп маҳсулот

ишлаб чиқарадиган корхоналар Дастурга киритиш ҳукуқига эга бўлади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш

дастурларининг узоқ йиллар давомида изчил амалга оширилиши

иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, замонавий маҳсулотларни ишлаб

чиқаришнинг ўзлаштирилиши ва рақобатдошлигининг кучайишига

ахамиятли таъсир қўрсатди.

Жумладан:

- иқтисодиётдаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини самарали равишда иш билан таъминланди;

- импорт қилинадиган хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлар ҳажмини қисқартириш, импорт бўйича келтириладиган маҳсулотларга

валюта харажатларини камайтириш ва мақбулаштиришга эришилди;

- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юкори даражада бўлган қайта ишлаш маҳсулотлари экспорти кўпайтирилиб, айни пайтда,

тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғи камайтирилди;

- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантирилди, иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юкори даражада

фойдаланилди;

- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтирилди, ишлаб турган

корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига

иқтисодиёт таркибини такомиллаштирилди;

- қўшимча иш ўринлари ташкил этилди;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ва мамлакатимиз корхоналарининг рақобатбардоштигини оширишга эришилди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида саноат ишлаб чиқаршини ташкил этиш ва тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланиш

банкларнинг ролини ошириш ҳамда кредит портфелини тўғри шакллантириш

муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Банкларнинг кредит портфели - тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси бўлиб, улар қуидагича таснифланади:

а) яхши;

б) стандарт;

в) субстандарт;

- г) шубҳали;
- д) умидсиз.

Тижорат банкларининг маълум санага ссуда ҳисобварагаларида қолган пул маблағлари мажмуаси. Ташки қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Саноат корхоналарини молиялаширишда имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга бўлган талабнинг ва айни пайтда

уларга берилаётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда.

Шу ўринда, тижорат банклари кредитлари тўғрисида сўз борганда уларнинг мақсад йўналишлари жиҳатидан таркиби ҳам такомиллашиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Инвестицион кредитлар – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситаларни сотиб олиш мақсадида олинган кредитлар.

Мамлакатда ўтказилаётган монетар сиёsat ўзида мураккаб ўтиш механизмини мужассамлашитиради. Унинг барча звенолардаги ишнинг сифати, сиёsat мақсадларини фойдалигига боғлиқ.

Пул-кредит сиёsatига ўтиш механизмини 4 та звенога ажратиш мумкин:

1. Марказий Банк сиёsatи мутаносиблигида ўтказилиши натижасида ҳақиқий пул таклифи (M/P) ҳажмини ўзгариши;
2. Пул бозорида фоиз ставкасининг ўзгариши;
3. Жами ҳаржатлар фоиз ставкаси динамикаси билан реакцияга кириши;
4. Ялпи талаб ўзгариши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгариши.

Пул таклифини ўзгариши ва ялпи таклифни тақсимланиши орасида, ҳамда яна иккита оралиқ табака, сўнгти натижага жонли таъсир этиш орқали ўтказади.

Фоизнинг бозор ставкаси ўзгариши иқтисодий агентлардаги активлар портфели таркиби ўзгариши оқибатида юз беради. Бу эса ўз навбатида, Марказий Банкнинг кенгайтирилган пул сиёsatи натижасида уларнинг

кўлида керагидан кўпроқ пул йиғилиб қолиши натижасида келиб чиқиши мумкин.

Ҳаммага маълумки, бу ҳол бошқа кўринишдаги активлар сотиб олишга

кредитнинг арzonлашувига ва алқисса фоиз ставкасининг тушишига олиб

келади. Бироқ пул бозорининг реакцияси пулга бўлган талаб характерига

боғлиқдир, яъни бурчак эгрисининг тиклигига. Агар пулга бўлган талаб фоиз

ставкаси ўзгаришига етарлича сезгир (боғлик) бўлса, унда пул массасининг кўпайишига фоиз ставкасининг унчалик катта бўлмаган ўзгариши сабаб бўлади ва тескариси: агар пулга бўлган талаб фоиз ставкаси ўзгаришига суст равишда сезгир бўлса унда пул таклифининг ошиши фоиз ставкасининг анчагина тушишига олиб келади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, мамлакатимиздаги банк-молия соҳасининг тобора мустаҳкамланиб бориши амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар молиявий таъминотининг кучайишига, иқтисодиёт реал секторининг ҳар томонлама қўллаб-куватланишига ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишига замин яратмоқда.

Саноат корхоналарини молиялаштиришда банк тизимининг хусусиятлари қуйидагиларга доимий амал қилиш орқали юқори натижага эришиш мумкин

- саноат корхоналари фаолиятини узлуксиз давом этишига замин яратади;
- саноат корхоналарини молиявий томондан қўллаб-куватлайди;
- саноат корхоналарини молиялаштиришдан олдин уларни ўрганиш ва фаолиятини баҳолаш;
- саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришда уларнинг бизнес-режасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўсишини таҳлил қилиш;
- саноат корхоналарининг молиявий ҳисботларини таҳлил қилиш ва тўловга лаёқатлигини баҳолаш.

Саноат корхоналарини молиялаштиришда банк тизимининг хусусиятлари ва унинг аҳамияти

Мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири бўлиб молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Шунинг учун мустақил давлатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажакдаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва муңтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир.

Банкларнинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, улар ўз маблағлари билангина эмас, балки омонатчилар ва кредиторлар, акциядорлар ҳамда мижозлар уларга ишониб топширган маблағлар билан, яъни кенг жамоатчилик билан иш кўради. Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими энг зарур жамоатчилик муассасалари тизимларидан бири экан, ҳар қандай банкнинг муваффақиятсизлиги бутун жамият миқёсида пул таклифи қисқариши, тўлов тизими бузилиши ҳамда ҳукумат йирик ва қутилмаган мажбуриятларининг вужудга келиши каби салбий макроиктисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кўпгина муҳим иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида банк тизимида ҳам чуқур ўзгаришлар амалга оширилишини ва иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишининг бир бутун механизми яратилишини тақозо этмоқда.

Молия бозорида, шу жумладан банк секторида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма-босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Шунинг учун мустақил давлатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажакдаги тараққиёти, аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва муңтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқ.

Банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаолигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқда.

Хуносалар

Маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташки омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини беради.

Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши қўйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юкори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равища, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юкори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳамда материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш иқтисодиётни янада барқарор ва изчил ривожланишида, унинг ташки омилларга тобелигини камайтиришда, ишлаб чиқариш жараёнларига янги самарали технологияларнинг татбиқ этилишини жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон иқтисодиёти янги даврни бошидан кечирмокда ва бунда мамлакатнинг жорий ривожланиш даражаси ва жамиятнинг хусусиятлари асосида шаклланган бозор механизми аста-секин ўз самарасини бермоқда.

Бу эса кредит тизими олдига ўзига хос мажбуриятларни юклайди, ундан доимий тараққиёт ва янгиланишни талаб этади.

Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятининг кенгайиб бориши ўз навбатида, улар томонидан берилаётган кредитлар, банклардаги депозитлар ва умумий капитал ҳажмига ҳам сезиларли таъсир қўрсатмоқда. Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган

халқаро Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб З баробар кўпдир.

Саноат корхоналарини молиялаштиришда бундай аҳамиятли имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга бўлган талабнинг ва айни пайтда уларга берилаётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишда тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланиш бўйича қонун ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларни амалиётта тўғри татбиқ этилаётганлиги амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АСАРЛАРИ

1. Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.- Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. 464 б.

Асосий адабиётлар

13. Ортиков А.О. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Иқтисодиёт, 2016. - 318 б.
14. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: Ўқув қўлланма - Тошкент, Молия, 2014. - 312 б.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий қўрсаткичлари.

“Бухгалтерия ҳисоби ва банк иши”
кафедраси ассистент

Арзибоева Р.С

Банк иши ва аудит йўналиши
4 курс талабаси

Саидахматов Мухаммадали Хаётбек уғли